# Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 129 (8.713) ◆ 1995 йил ◆ 6 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ХАЛҚАРО АНЖУМАНГА ТАЙЁРГАРЛИК

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз» жамоатчилик ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида илгари сурган ғояси нафақат мамлакатимизда, балки Туронзаминдаги барча халқлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Қардош халқлар кўнглидаги эзгу ният ифодаси бўлган мазкур ғояни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида 20-22 ноябрь кунлари Тошкентда «Туркистон халқлари маданияти форуми»ни ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

3 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасида «Туркистон халқлари маданияти форуми»ни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда Марказий Осиё халқларини янада яқинлаштиришга хизмат қиладиган илк халқаро анжуманнинг Ўзбекистон пойтахтида юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида талайгина тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада қилинаётган ишлар тўғрисида форумни ўтказиш қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ахборот берди.

Форумнинг ташкилий масалалари хусусида тегишли вазирлик, қўмита ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев иштирок этди.

(ЎзА).



*Қурилиш майдонларида*

## ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

Пойтахтда муҳим қурилиш нуқталаридан бўлган Республика биржа маркази биносида ҳозирги кунда асосий қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етди. Бу ишни «Тошсувқурилиш» трестига қарашли 7-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бош пудратчи сифатида олиб боришди. Айни пайтда ёрдамчи пудратчилардан Республика қурилиш вазирлиги «Аграрқурилиш», «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси бинокорлик ташкилотлари ва бошқалар бу ерда пардозлаш ишларини олиб боришмоқда.

— Бинода қурилиш ишларини шу йил ёзининг бошларида бошланган эдик, — дейди 7-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Маъмур Шокиров. — Баъзи пайтда қурувчиларимизнинг сони 800 тага етди. Бунёдкорларимиз бугунги кунда жадал суръатларда иш олиб боришмоқда. Агар иш ҳозиргидай кетса, бинони янги йил арафасида топширишимиз керак.

Ҳақиқатан ҳам Республика биржа марказида ҳозир қурилиш айни қизиган пайт. Ҳар бир киши ўз иши билан банд. Меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари ҳамда миллий услубга эга бўлган бино ҳозирнинг ўзида ўзининг чиройлилиги ва бежиримлиги билан киши диққатини тортади.

Бино атрофида йўловчилар ўтадиган йўлак ҳамда уй олдида чиройли фаввораннинг қурилиши мўлжалланмоқда.

Мазкур қурилиш иншоотини бунёд этишда В. Колесников, А. Иброҳимов, Я. Тўраевлар бошчилик қилаётган жамоа аъзоларининг хизматлари катта бўляпти.

Ҳозир қурилиш нуқтасида ўз ишини пухта эгаллаган пардозловчилар ишга тушишган. Улар бино сирти ҳамда ичини сифатли пардоздан чиқаришга ҳаракат қилишмоқда.

Ғиёс ЙЎЛДОШЕВ.

***СУРАТЛАРДА:** қурувчилардан Аҳмад Иброҳимов, Сервер Солиев, Мурсел Салиев, Тагир Даяновлар; биржа марказининг умумий кўриниши.*

*Равиль Галиев олган суратлар.*



*Нишондорларимиз*

## ЖАЖЖИ ҚАЛБЛАР МЕЪМОРИ



Ҳаётда инсон адо этадиган яхши ишлар кўп. Яхшиликдан эса доимо ўчмас излар қолади. Дунёда энг савобли ишлардан бири инсон боласи шуурига илм-маърифат зиёсини бахш этишдир. Зотан, шу зиё туфайли ўғилдир, қиздир ҳаёт қонуниятларини идрок этади, ўз оламини кашф этади, келажагига замин яратади. Шайхонтоҳур туманидаги 40-ўрта мактабнинг бошланғич синф муаллими Муқаддам Ҳидоятова 30 йилдан ошдики, қалбларга ана шундай маърифат зиёсини таратиб келаётир.

1994 ўқув йилининг июнь ойидан бошлаб, «Алифбесиз ўқитиш» ташаббуси асосида болалар боғчасида тарбияланган ва оила муҳитида ота-она ёрдамида мустақил ўқишни ўрганган болалардан 23 нафари саволлар ёрдамида танлаб 1-махсус синфга қабул қилиб олинган эди. Ўтган бир йил мобайнида икки йиллик ўқув дастурини ўзлаштириб, 1995-1996 ўқув йилида 21 ўқувчи 3-махсус синфда ўқишни давом эттиришяпти.

— Биринчи синф ўқувчилари жуда қизиқувчан, синчков бўлишади, — деди Муққадам опа. — Улар муаллимни нафақат устоз ўрнида, балки ўз оналари қатори кўрадилар.

Шунинг учун ҳам уларга фақат билим берибгина чекланмасдан, ҳатто оналик меҳрини ҳам кўрсатиш зарур. Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусияти, қизиқиши, интилишларини ҳисобга олиш зарур. Махсус синфда ўқишаётганлиги учун ўқиш, математика, ўзбек тилидан дарслар мураккаблаштириб ўтилади. Шунингдек эски ўзбек ёзуви, рус тили, инглиз тили, информатиканинг бошланғич асослари ўтилади. Бу барчаси ўқувчилар ёшига нисбатан оғирроқ. Шуларни ҳисобга олиб дарс машғулотларининг кўпроқ ўйин тарзида ўтилишига катта эътибор берилади.

Дарҳақиқат Муқаддам опа ҳар бир ўқувчи тарбияси билан алоҳида шуғулланади. Ота-оналар билан суҳбат учун алоқа дафтари тутган. Ушбу дафтарга ўқувчининг дарсга қандай тайёрланиб келгани, дарсда қандай ўтиргани, қизиқиши, соғлиги, кийиниши, унда рўй берадиган ўзгаришларни ёзиб боради. Масалан, Мадина Расулова расм чизишга ҳаваси кучли, Дониёр Маҳмудов ҳар томонлама етук, математикага иқтидори кучли. Бегзод Саидаҳмедов ўқиш, она тили фанларини яхши кўради.

Бу каби ота-оналар билан муаллимнинг ҳамжиҳатликдаги иш услубидан ўқувчи фақат манфаат кўради ҳамда унинг тарбиясига бир хилликдаги муносабат шаклланади.

Республикамиз Президентининг Фармонига кўра яқинда Муқаддам опа Ҳидоятова ҳам мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантириш, ислоҳ қилиш, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтириш, таълим беришга қўшган ҳиссаси, уларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги, давлат ва халқ олдидаги жуда катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун бир гуруҳ халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлар қаторида 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

Дония ЗОКИРОВА.

***СУРАТДА:** Муқаддам Ҳидоятова.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

## ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент — Пекин — Тошкент ҳаво йўналишида самолётлар қатновини кўпайтиришга қарор қилди. Бундан буён Ўзбекистон белгиси туширилган ҳаво кемалари ҳафтасига икки марта, яъни чоршанба, якшанба куни қатнайдиган бўлди.

Миллий авиакомпания Хитойга биринчилардан бўлиб ўзининг халқаро йўналишини ташкил қилди. Чунки Тошкент Ғарб билан Шарқни улайдиган кўприклардан биридир. Бу бугунги кунда амалда исботланди. Пекинга қатнайдиган йўловчиларнинг кўпайиши муносабати билан қўшимча йўналишга зарурият туғилганлигини бунга мисол тариқасида келтирса бўлади. Бундан ташқари Хитой билан Ўзбекистон ўртасида кундан-кунга икки томонлама фойдали ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганлиги билан ҳам йўналишнинг кўпайтирилганини изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги кунда миллий авиакомпания йўл чипталарини нақд пулсиз олиш жараёнини ҳам иложи борича қисқартиришга ҳаракат қилмоқда. Ана шуни амалга ошириш мақсадида авиакомпаниянинг чипта сотадиган ҳамда уни банд қиладиган мажмуасида электрон карточкалар жорий қилинди. Бу эса ўз навбатида электрон карточка эгаларининг авиахизматнинг барча турларига ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳақ тўлаш имконини берди. Карточканинг ҳимоя қилиш системаси эса уни эгасининг рухсатисиз бошқа кимсалар қўллашидан сақлайди.

Ғани ЕСЕНОВ.

*Олий ўқув юртларида*

## ВАТАН МАДҲИ

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида 1994 — 1995 ўқув йилида республика олий ўқув юртлари талабалари ўртасида бўлиб ўтган «Ватанни севмоқ иймондандир» деб номланган иншолар танловига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда танлов ҳайъатининг хулосаларига кўра университетнинг 5 талабаси танлов ғолиблигига муносиб деб топилганлиги алоҳида таъкидланди.

Танловда фахрли биринчи ўринни олган университет биология-тупроқшунослик факультетининг 3-курс талабаси Ниёзжон Наврўзова, 2-ўринга муяссар бўлган ўзбек филологияси факультетининг 2-курс талабаси Шоҳсанам Сатиева ва журналистика факультетининг 2-курс талабаси Зафар Омонқулов, 3-ўринни олган ўзбек филологияси факультетининг 4-курс талабаси Шаҳло Мингбоева ва хорижий филология факультетининг 2-курс талабаси Гулноза Кароматоваларга пул мукофотлари ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

«Ватанни севмоқ иймондандир» мавзусидаги талабалар ишларининг ютуқларида уларнинг илмий раҳбарларининг қўшган ҳиссалари катта бўлди.

Кечада танлов ғолибларидан Гулноза Кароматова сўзга чиқиб, университет раҳбариятига барча танлов иштирокчилари номидан миннатдорчилик билдирди.

Гулмира ҚАЮМОВА.

## ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли 17-клиник касалхонада «Аҳолини бўғма касаллигига қарши оммавий равишда эмлаш» мавзусида тиббиёт ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ниёзматов, вазир ўринбосари, шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Малика Зияева, туманлардаги соғлиқни сақлаш ҳамда санитария-эпидемиология бўлимлари мудирлари, шаҳар тиббиёт муассасаларининг бош шифокорлари иштирок этишди.

Йиғилишда шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош шифокори Абдулла Мирзаев сўзга чиқиб, бўғма хасталиги ҳақида ахборот берди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Эпидемиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтининг профессори Саид Мақсумов бўғманинг олдини олиш учун ўтказиладиган эмлаш усуллари хусусида гапирди. Бундан ташқари соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг юқумли касалликлар бўйича бош мутахассиси Дилбар Маҳмудова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, ўз мулоҳаза ва таклифларини билдиришди. Йиғилиш сўнгида пойтахт аҳолисини тез кунларда оммавий равишда босқичма-босқич эмлаш ишларини ўтказиш зарурлиги юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мурод РАҲИМОВ.

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

«ТО» «ТО»

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Тошкент вилояти пахтакорлари 280 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тайёрлаб, йиллик режани муваффақиятли адо этдилар.

❑ Фанлар академиясининг умумий йиғилишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов тавсия қилган икки номзоддан бири — таниқли математик олим Тўхтамурод Жўраев кўпчилик овоз билан Фанлар академияси президенти этиб сайланди.

❑ «Экосан» халқаро жамғармасида БМТ ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

❑ Нукусга «Аспера» лойиҳаси доирасида ичимлик суви сифатини аниқлайдиган асбоб-ускуналар келтирилди. Улар санитария-эпидемиология хизмати ҳамда Нукус, Мўйноқ, Тахиатош шаҳарларидаги ичимлик суви таъминоти билан шуғулланадиган ташкилотлар лабораторияларига ўрнатилади.

❑ Бош вазир ўринбосари Виктор Чжен Россия мол хом ашё биржасининг Президенти А. Власов билан учрашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этди.

❑ Чирчиқнинг «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Тижорат фаолиятидаги нуфузи ва энг яхши савдо номи учун» халқаро мукофотига сазовор бўлди. Бу хушхабар Мексикадан олинди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Москвада Россия, Беларусь, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари божхона иттифоқи тузиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиб, қўшма баёнот қабул қилдилар.

❑ Кеча Грузияда президент ва парламент сайловлари бўлиб ўтди.

❑ Россия Президенти Фармони билан Чеченистондаги федерал қўшинларининг собиқ қўмондони, уюштирилган террорчилик ҳаракатидан сўнг оғир жароҳат олиб, шифохонада даволанаётган генерал Анатолий Романовга Россия Федерацияси Қаҳрамони унвони берилди.

❑ Россия Марказий сайлов комиссияси 17 декабрь куни бўлиб ўтадиган парламент сайловида иштирок этиш учун ҳужжатларини топширган 43 та уюшма ва блокдан 37 тасини рўйхатга олди. Россия Олий суди қарорига мувофиқ бугун Марказий сайлов комиссияси «Яблоко» сайлов блокини рўйхатга олиш масаласини яна такроран кўриб чиқади.

❑ Тожикистон парламенти халқ депутати Ҳожи Каримовни ҳибсга олишга розилик берди. У бир неча қотиллик ва террорчилик ҳаракатларини уюштириш ва уларда бевосита иштирок этишда айбланмоқда.

### ХОРИЖДА

❑ Бугун Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабинни дафн этиш маросими бўлиб ўтади. Шанба куни кечқурун Исҳоқ Рабин Тель-Авивда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишни қўллаб-қувватлашга бағишланган кўпминг қишилик митингда нутқ сўзлаётган пайтда Тель-Авив университети студенти томонидан отиб ўлдирилди.

❑ Бугун Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг Эронга уч кунлик расмий ташрифи бошланади. У Эрон раҳбарияти билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, минтақадаги, хусусан Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар ўтказади.

❑ Колумбия президентлигига собиқ номзод Альверо Гомеш Богота университети ёнида отиб ўлдирилгандан сўнг бу давлат раҳбари Эрнесто Сампер мамлакатда комендантлик соати жорий этди.

❑ Литва Латвиянинг Болтиқ денгизининг баҳсли ҳудудида нефть қидириш бўйича Америка ва Швеция компаниялари билан шартнома тузганлиги учун ўзининг Ригадаги элчисини чақириб олди. Литва Америка ва Швеция компанияларини денгизнинг бу баҳсли ҳудудида бирон бир қидирув ишлари олиб боришга йўл қўймаслиги тўғрисида огоҳлантирди.

❑ Янги Зеландияга расмий ташриф билан келган Буюк Британия қироличаси Елизавета II Буюк Британиянинг бу мамлакатга 1863 йилда бостириб кирганлиги учун расмий узр билдирилган ҳужжатни тақдим этди.

❑ Филиппинда бўлиб ўтган кучли тўфон оқибатида 70 га яқин киши ҳалок бўлди. 1000 тадан кўпроқ уй вайрон қилинди.



*Обуна — 96*

## «ОҚШОМ» ЁШЛАРНИНГ ҲАМ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАСИ

Шаҳримиздаги корхона ва ташкилотларда севимли нашрлари — «Тошкент оқшоми»га обуна бўлиш давом этяпти. Чунки ҳар бир меҳнат жамоаси, жамоат ташкилоти, уюшма ёки ўқув юрти бўлсин, бариси келгуси йили пойтахтимизда ва бутун оламда кечаётган энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, шунингдек, ўз фаолиятлари ва ютуқларининг «Оқшом» саҳифаларида ёритилишини истайдилар.

— «Тошкент оқшоми» — бизнинг энг яқин ва севимли газетамиз ҳисобланади, — дейди Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Равшан Абдуқодиров. — Сабаби — йил бўйи ташкилотимиз ҳаёти ҳақидаги қизиқарли мақолаларни ушбу газетадан ўқиб бориш биз учун жуда мароқлидир. Бу газетага ўрганиб қолганмизки, уни ўз фаолиятимизнинг ойнаси, деб ҳисоблаймиз. Ойнада эса маълумки, қандай бўлсанг шундайлигингча акс этасан. Шу сабабли биз «Тошкент оқшоми»га обуна эълон қилиниши биланоқ, қизғин иш бошлаб юборганмиз. Одатимизга кўра, Ёшлар Иттифоқининг ҳар бир туман қўмиталари ва бошланғич ташкилотларида «Оқшом» газеталарининг йиғмаси бўлиши шарт ҳисобланади. Ҳозирги кунда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 350 та бошланғич ташкилотларимизнинг барисида «Тошкент оқшоми»га обуна бўлиш режалаштирилган. Шу кунгача 200 га яқин «Оқшом» газеталарига обуна бўлдик. Бу ишларимиз ҳозир ҳам сусайгани йўқ. Мақсадимиз — келгуси йилда севимли газетамиз билан ҳамкорлигимизни янада кучайтиришдир.

Беҳзод ЭГАМОВ.

## ЭСКИ УЙЛАР ЎРНИДА

Йўлингиз тушиб «Паркент йўли» кўчасининг Паркент бозори атрофига бориб қолсангиз, бу ерда улкан қурилишлар кетаётганининг гувоҳи бўласиз. Бундан беш-олти йил муқаддам кўчанинг икки томонида эски пастқам уйлар бўларди. Ҳозирги кунда эса уларнинг ўрнида замонавий, кўп қаватли турар жой бинолари қад кўтарган.

Яқинда ана шундай уйлардан яна биттаси фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларини йирик ҳажмли-блокли тажриба уйсозлик комбинати бунёдкорлари амалга оширишди. Улар бинони қуриш мобайнида 3 минг 382 квадрат мерт ҳажмдаги майдонда иш олиб боришди. Мазкур 9 қаватли уйда пардозлаш ишларини ҳам юқоридаги уйсозлик комбинати бинокорлари ниҳоясига етказишди. Ҳозирги кунда уйга 45 хонадон эгалари кўчиб киришмоқда.

Ғафур ЙЎЛЧИЕВ.

*Футбол*

## «НЕФТЧИ» ЯНА ЧЕМПИОН!

Шанба куни футбол бўйича Ўзбекистон IV миллий чемпионатининг сўнгги, якунловчи 30-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг олтита шаҳрида ўтказилган ушбу тур учрашувлари бу йилги чемпион ва пешқадамларни аниқлаб берди. Турнир жадвалининг сардори — «Нефтчи» футболчилари сафарда Самарқанднинг «Динамо» жамоаси билан беллашиб, 0:1 ҳисобида ғалаба қозондилар ва «Нефтчи» тўртинчи бор мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Унинг ҳисобида бу йилги мавсум давомида жамғарилган 76 та очко бор. Афсонавий футболчи Пеле ўзининг бир мингинчи тўпини 11 метрлик жаримадан киритган эди. «Нефтчи»га чемпионлик ғалабасини келтирган ягона голни ҳам ўйиннинг 53-дақиқасида Сергей Лебедев 11 метрлик жаримадан ижро этди.

МҲСК жамоаси «Атласчи» майдонида 0:1 ҳисобида ғалаба қозониб, очколар сонини 74 тага етказди ва чемпионатнинг кумуш медали соҳиби бўлди. «Навбаҳор» эса мезбонлар — «Чирчиқ» жамоасини 1:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 72 очко билан учинчи ўриндан жой олди.

«Пахтакор»чилар «ўртадаги олтин меъёр» ҳақидаги нақлга амал қилган кўринадилар, негаки улар турнир жадвалининг тўртинчи поғонасидан муқим жой эгаллаганлар. Мавсумнинг энг сўнгги ўйинида «Пахтакор» ҳамшаҳри — «Трактор» майдонида тўп суриб, 1:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, «Нефтчи» тўртинчи марта чемпион бўлди. Айтиш керакки, бу йилги ғалабага улар ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ машаққат билан эришдилар.

Келгуси йили «Нефтчи» билан «тож» даъвосида тенгма-тенг кураша оладиган жамоалар етишиб келмоқда.

Сўнгги, 30-турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Маъшал» — «Нурафшон» — 3:0; «Наврўз» — «Сўғдиёна» — 4:1; АСК — «Политотдел — 1:2.

«Янгиер» жамоаси хориж сафарида бўлганлиги сабабли «Темирйўлчи» билан учрашув бошқа кунга қолдирилди.

Бобур ҲАСАНОВ.



*Эски шаҳар ёшаради*

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарори чиққандан кейин бу ерларда бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда бошланиб кетди. Қисқа муддат ичида Эски шаҳарнинг Сағбон, Абдулла Қодирий ҳамда Қорасарой кўчалари текисланиб, асфальт ётқизилди. Уйлари бузилган оилаларга яшаш учун ҳамма шароитларга эга бўлган хонадонлар ажратилди. Ана шу турар жой биноларининг кўпчилигини «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг қурувчилари бунёд этишди. Айни кунларда бинокорлар эски шаҳарликлар учун уй-жой қурилишини давом эттиришмоқда. Бошқача қилиб айтганда Эски шаҳар қурилишининг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқич шу йил охири ва кейинги 1996 йиллари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Хўш, шундай экан, корпорация қурувчилари биринчи босқични қандай уддаладилар? Ва иккинчи босқич қандай амалга оширилади? Ана шулар ҳақида корпорация ишлаб чиқариш-техника бошқармасининг бошлиғи Владимир ЛИЧКОВ билан суҳбатлашдик.***



— Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорида кўпгина ишлар корпорациямиз бунёдкорлари зиммасига юклатилган эди. Бизнинг асосий вазифамиз Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод қилиш жараёнида уйлари бузилган фуқароларни хонадон билан таъминлашдир. Қурувчиларимиз бунинг уддасидан чиқишди. Масалан, 1-уйсозлик комбинати қурувчиларини олиб кўрайлик. Бинокорлар шу икки-уч ой илгари генерал Узоқов кўчасида бирваракайига бир нечта уйларни фойдаланишга топширишга улгуришди. Комбинат қурувчилари Тахтапул мавзесида ҳам кенг кўламда бунёдкорлик ишларини олиб боришди. Бир сўз билан айтганда, мавзеда 15 минг 234 квадрат метр турар жой биноларига 210 та эски шаҳарликлар кўчиб киришди. Бундан ташқари улар даҳада 4 ва 8-уй деб номланган бино ҳамда озиқ-овқат дўкони қурилишини сифатли туғаллашди. Умуман корпорациямиз қурувчилари биринчи босқичнинг ўзида эски шаҳарликлар учун мингдан ортиқ уйни қуриб битказишди.





**— Эски шаҳар қурилишининг иккинчи босқичи дастурига қараганда шу йилнинг ўзида бир қанча турар жой бинолари қуриб битказилиши мўлжалланган экан. Хонадонлар сони қанча бўлади? Улар қаерларда қурилади?**

— Қурувчиларимиз шу йилнинг ўзида эски шаҳарликлар учун яна бир минг бир юз ўн саккизта квартирани тортиқ қилишга бел боғлашган. Уларнинг умумий сатҳи 73 минг 96 квадрат метрни ташкил этади. Бинолар пойтахтнинг Тахтапул, генерал Узоқов, Белтепа, Бобур, «Чилонзор — 30» мавзелари, «Фарғона йўли», Ниёзов, Хўжаев, «Паркент йўли» кўчалари ҳамда бошқа жойларда қад кўтаради.

**— Бунда корпорациянинг қайси қурилиш ташкилотлари қатнашади? Улар шу муддат ичида қандай ишларни амалга оширади?**

— Масалан, 1-уйсозлик комбинати Тахтапул, генерал Узоқов, Белтепа мавзеларида қурилиш ишларини олиб боради. Улар бу ерларда умумий сатҳи 28 минг 466 квадрат метрга тенг, 486 хонадонни йил охиригача фойдаланишга топшириши керак. Айни пайтда бинокорлар Тахтапулдаги иккита уйда пардозлаш ишларини ниҳоясига етказишмоқда. Мавзедаги яна учта уйда қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Белтепадаги битта уйда эса ҳандақ қазилиши давом этмоқда. Гапнинг индаллосини айтганда уйсозлар шу ойда 4 та, кейинги ойда 2 та, декабрь ойида 8 та турар жой биносини қуриб битказишни ўз зиммаларига олишган.

2-уйсозлик комбинати «Ғунча» кинотеатри ҳамда «Чизельная» мавзеларида уй-жой қурилишини олиб борадилар. Улар бу ерда ҳаммаси бўлиб 15 минг 481 квадрат метрга тенг бўлган уйларни қуриб битказишади. Яъни йил охирида яна 200 эски шаҳарлик оила уйга эга бўлади. Хонадон эгалари бу ерларда жойлашган ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган уйларда яшашади. Уйсозлар режа бўйича 2 та уйни шу ойда, яна битта бинони декабрь ойида фойдаланишга топширишмоқчи.

Йирик ҳажмли-блокли тажриба уйсозлик комбинати қурувчилари ҳам бу борада юқоридаги қурилиш ташкилотлари бинокорларидан қолишмаган ҳолда ишлашга ҳаракат қилишмоқда. Айни пайтда улар Самарқанд дарвоза кўчасида 9 қаватли, 63 хонадонга эга бўлган турар жой биносининг ҳандағини қурилишга тайёрлашмоқда. Ниёзов кўчасидаги иккита уйдан биттасини ўтган ойда фойдаланишга топширишга улгуришди. Ҳозирги кунда умумий сатҳи 2 минг 891 квадрат метрни ташкил эттан уйга 45 та хонадон эгалари кўчиб киришмоқда. Иккинчи уйни қурилишга тайёрлаш учун ишлар олиб борилмоқда.

«Тошчетэлқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари эса йил охиригача 113 хонадонни уй-жой билан таъминлашади. Бу турар жой биноларининг ҳар бири 12 қаватли бўлиб, улар пойтахтимизнинг «Чилонзор-30» мавзеси ҳамда Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасида қад кўтаради. Уларнинг умумий сатҳи 7 минг 53 квадрат метрни ташкил этади.

Бундан ташқари эски шаҳарликлар учун турар жой биноларини қуришда корпорациямизнинг «Турон» фирмаси ҳамда уй-жой қурилиши трестлари фаол иштирок этишади.

**— 1996 йил амалга оширилиши лозим бўлган режалар нималардан иборат? Қурилиши керак бўлган уйлар йилнинг қайси чоракларида қуриб битказилиши керак?**



— Кейинги йили Эски шаҳар дастури бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши лозим. Аниқроғи 2 минг 682 хонадон эгалари йил мобайнида уйларга кўчиб кириши мўлжалланган. Бу 204 минг 596 квадрат метр демакдир. Шундан бир мингдан ортиқ хонадон эгалари учун 1-уйсозлик комбинати қурувчилари уйлар қуриб беришади. Бу уйларнинг умумий сатҳи 71 минг 718 квадрат метрни ташкил этади.

Энг кўп уйларни фойдаланишга топшириш бўйича кейинги йилда иккинчи ўринда йирик ҳажмли-блокли тажриба уйсозлик комбинати туради. Қурувчилар йил давомида 801 та хонадонни қуриб битказиш мажбуриятини олишган. Уйларнинг умумий сатҳи 60 минг метрдан ошиб кетмоқда. Улар айниқса Самарқанд дарвоза кўчасида улкан қурилиш ишларини олиб борадилар. Кейинги йил уйсозлик томонидан ҳар бири 90 хонадонга эга бўлган 6 та уй қад кўтариши кутилмоқда.

4,12 ҳамда уй-жой қурилиши трестлари, «Турон» фирмаси ҳам эски шаҳарликлар учун кўплаб турар жой биноларини бунёд этадилар. Уйлар Бобур, Миробод, Қоратош мавзелари ҳамда «Фарғона йўли», Ҳамза, Хўжаев кўчаларида қурилади.

Энди уйларнинг фойдаланишга топширилишига келсак, 11 та биринчи, 23 та уй иккинчи, 11 та уй учинчи ва ниҳоят 9 та уй тўртинчи чоракларда қуриб битказилиши режалаштирилган.



Суҳбатдош
Ғулом ЮСУПОВ.

*СУРАТЛАРДА: 70-қурилиш бошқармаси ишбошчиси М. Садиров; Эски шаҳарнинг янги қиёфасидан айрим лавҳалар.*

*Рустам Шарипов ҳамда Рашид Галиев олган суратлар.*

***Бозор иқтисодиёти шароитида яхши ишлаб, яхши яшаш учун доимо изланиш керак. Мана шундай фикрда меҳнат қилаётган «Кўкча» тикувчилик фабрикасининг ишчи-хизматчилари ўз имкониятлари ва изланишлари туфайли ҳар бир кундан унумли фойдаланишмоқда. Шаҳримизда ўтказилаётган савдо-ярмаркаларида дадил иштирок этиб, ўз маҳсулотларини намойиш этишаётир. Шунингдек, маҳсулот тиктиришни истаган ҳамроҳлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилишмоқда.***

*Меҳнат жамоаларида*

# ФАҚАТ ИЗЛАНИШ КЕРАК

Фабриканинг тажриба цехига кирар эканмиз, бу ердаги бир маромда ишлаётган тикув дастгоҳларини кўриб, уларнинг шовқинсиз ишлаётганидан кўнглимиз қувончга тўлди. Чеҳраларидан табассум ёғилиб турган хотин-қизлар юзидан эртанги кунга ишонч, талпиниш ва меҳнатга иштиёқли эканликларини уқдик. Бизни цехнинг қадоқлаш бўлимидан чиқиб келаётган моҳир уста Мактуба Азимова қарши олди.

— Фабрикамизда кейинги вақтда катта ўзгаришлар бўлиб бораяпти, — дейди Мактубахон. — Чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида яшаш тарзи ҳам, меҳнат қилиш ҳам ўзига хос йўналишда бўлиши керак экан. Аввалига хом ашё масаласида бироз қийналдик. Лекин фабрикамиз раҳбари Рустамхон Нодирхонов ва бошқа мутасаддиларнинг елиб-югуришлари натижасида жамоамиз бир маромда меҳнат қилишга ўтиб олди. Республикамизда тайёрланаётган маҳаллий хом ашё маҳсулотларидан тикувчилик соҳасида, айниқса болалар ва қизчалар, аёллар ва ўсмир қизлар учун кўйлак, халатлар, рўзғор учун чойшаблар тикиб чиқаришни кўпайтирдик. Маҳсулот кўп бўлгани билан унга талаб бўлмаса, янаям аҳвол қийин бўлар экан. Шунинг учун ҳам бизнинг цехимиз шу куннинг талаби асосида оз миқдорда, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, яъни янги иш услуби асосида ишлашга ўтдик.

Шаҳримиздаги мавжуд кичик ва қўшма корхоналар билан ўзаро ҳамкорликда иш бошлаб, улар билан маҳсулот айирбошлаш имкониятидан ҳам фойдаланяпмиз. Мана йил бошидан буён айрим фирмалар учун 300 минг дона ишчи қўлқопи ҳамда иш кўйлакларидан 2500 донасини тикиб бердик. Махсус буюртма асосида ташриф буюрган «Рози» фирмаси вакилларининг истаклари ҳам шу кунларда якунига етай деб қолди. Улар ўзлари хом ашё келтириб беришиб, замонавий моделдаги аёллар костюми ҳамда кўйлак-халатини тикиб беришимизни сўрашган эди. Жами 2500 дона костюм, 1600 та кўйлак-халат тайёрлаш бўйича буюртмачиларимизнинг бу истаклари тўлиқ адо этилаётир. Албатта, бу ишларни сифатли ва маромида қилиб бажаришда малакали мутахассисларимиздан бош технолог Рая Шаипова, конструктор Лола Саидова, нормаловчи Маҳфуза Тагирова, тикувчи моҳир усталаримиздан Машкура Муҳиддинова, Маъмура Мирзааҳмедова ва ишчи Шафоат Нуриллаеваларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Умуман олганда фабрикамизнинг равнақ топишию, ишчиларнинг доимий иш билан таъминланиб туриши фақат ўзимизга боғлиқ экан. Бунинг учун, албатта, тадбиркорлик ва изланиш керак!

Гулзода МАМБЕТОВА.

*Иш билан бандлик*

# ЎЗ КАСБЛАРИ БЎЙИЧА ЖОЙЛАШИШДИ

***Бозор иқтисодиёти шароитида табиийки, ишсизлик муаммоси ҳам бўлиб туради. Сабаби кейинги йилларда баъзи бир корхоналардаги аҳвол ночорлашиб, иш ўринлари қисқараётгани шундай ҳолнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Албатта оиласи фаровонлигини, қолаверса, ўз касбини қадрлаган киши ишсиз қолмайди. Аксинча, меҳнатга яраша ҳақ тўлайдиган иш қидиради.***

***Куни кеча Чилонзор тумани бандлик хизмати бўлими томонидан ташкил этилган бўш иш ўринлари, ўқиш жойлари ва вакант лавозимлари ярмаркаси бунинг яққол мисоли бўлди. Ярмарка туман ҳокимлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи ташкилоти кўмагида уюштирилди.***

***Мазкур ярмаркага Чилонзор тумани ҳудудидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари, бўлим бошлиқлари ва нозирлари, қайта ўқитиш ва малака ошириш ўқув маркази ҳамда ўзига муносиб иш ахтараётган фуқаролар иштирок этишди. Фурсатдан фойдаланиб, туман ҳокими Анвар АЛИЕВга саволлар билан мурожаат этдик.***

**— Анвар Маҳмудович, бундай меҳнат ярмаркаси ўтказишдан кўзланган мақсад нима?**

— Туманимиз ҳудудида 222,5 минг киши яшаса, шундан кўпчилик қисми ўзимиздаги мавжуд 1993 та ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларида меҳнат қилишади, — дейди ҳоким. — 13,8 минг киши саноатда, 16,6 минг одам қурилишда, 7,8 минг фуқаро транспорт ва алоқада, 6,9 минг киши соғлиқни сақлашда, 6,7 минг ўқитувчи халқ таълимида, 12 минг киши санъат ва маданиятда, 7,8 минг сотувчи ва пазанда савдо ва умумий овқатланишда, 8,1 минг киши коммунал хўжалик ишлари ва маиший хизмат шохобчаларида ишлашади. Ҳозирда туман бўйича бўш иш ўринларимиз 1971 тани ташкил этади. Бундан ташқари иш сўраб, мурожаат этганлар 2000 нафар. Шундан 700 нафари мутахассис ва хизматчилар, 1300 нафари ишчи ва бошқалардир. Туман бандлик хизмати бўлими рўйхатида турган ва бугунги кунда рўйхатга олинмаган ишсиз фуқароларни ўзлари хоҳлаган иш ўрнини эгаллашлари учун бу ерда ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бундан буён ҳам мана шундай тадбирларни ўтказиш орқали аҳолини иш билан таъминлашга эришаверамиз. Қолаверса, туманда «Совпластитал», «Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД» каби қўшма корхоналар, «Алгоритм», «Реле ва Автоматика» сингари йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолияти давомида тумандаги кўплаб фуқароларни иш билан таъминлашда алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда.

**— Туманда бўш иш ўринлари ташкил этиляптими?**

— Сентябрь ойининг ўзида 283 та янги иш жойи ташкил этилди. Йил бошидан бери эса бу кўрсаткич 5011 тага етди. Шу жумладан, кичик корхонада — 30 та, «Дастгоҳ созлаш» акционерлик жамиятида — 49 та, кооператив корхоналарда — 116 та, масъулияти чекланган жамиятларда — 372 та, хусусий корхоналарда — 200 та, якка тартибда иш юритиш ҳисобига — 365 та, «Бандлик» жамғармаси ҳисобига — 57 та, қўшма корхоналарда — 42 та ва бошқаларда 430 та янги иш жойлари ташкил этилди.

**— Баҳодир ака, энди сизга бир савол билан мурожаат қилсам. «Аҳолини иш билан таъминлаш» Қонуни бажарилиши юзасидан нима ишлар қилинмоқда?**

— Бандлик хизматимизнинг ҳуқуқ нозири томонидан сентябрь ойида 5 та корхона ва ташкилот текширилган, — дейди Чилонзор тумани бандлик хизмати бўлими бошлиғи Баҳодир Шомузаффаров. — Йил бошидан бери 16 та корхона ва ташкилот текширилиб, 7 тасига жарима солинган, 2 тасига эса огоҳлантириш берилган. Миграция бўйича йил бошидан бери «Қизилқум олтин ва нодир металлар» бошқармасида ишлашни хоҳлаган 51 фуқародан ҳозирча 10 нафари ишга юборилди. Жанубий Кореяда ишлашни хоҳлаган 25 фуқародан ҳозирги кунда 8 нафари Сеул шаҳрига жўнатилди.

Меҳнат ярмаркаси жараёнида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ходимлар бўлими бошлиқлари ва нозирлари билан ҳам мулоқотда бўлдик.

— Қўшма корхонамизга асосан қурилиш соҳаси бўйича мутахассисларни қабул қиламиз, — дейди «Совпластитал» қўшма корхонасининг ходимлар бўлими нозири Мира Радзиевская. — Маошларимиз 2500 сўм ва ундан ортиқ. Албатта иш бажарилишига қараб, мукофот пуллари билан ҳам таъмин этиб борамиз. Имтиёзларимиз ҳам йўқ эмас.

— Ҳозиргина уч-тўрт нафар фуқаро бизда ишлаш истагини билдириб, рўйхатимизга ёзилди, — дейди «Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонасининг ходимлар бўлими нозири Сусана Ягяева. — Корхонамизга асосан ичимлик ишлаб чиқариш бўйича механик ва операторлар ҳамда «Кара» юк ташиш машинаси ҳайдовчиси керак эди. Маошларимиз 1500 сўмдан 2000 сўмгача.

— Бизга косиб ва қолипга тортувчилар керак, — дейди «Нафис» акционерлик жамиятининг ходимлар бўлими бошлиғи Мирғани Ниғматов. — Жамиятимиз пойабзал фабрикалари ва шу турдаги кичик корхоналар, цехларга моделлар тайёрлаб беради. Ўзимизда ҳам қисман ишлаб чиқарилади. Маошлари ҳам яхши, мукофотлари ҳам бор.

— Баъзи бир сабабларга кўра, ишимиз тўхтаб қолган эди, — дейди «Мустақиллик-2» қўшма корхонасининг директори Хайриддин Насриддинов. — Эндиликда яна унинг фаолиятини бошлаш мақсадида корхонамизга мебель усталари қидириб чиққанмиз меҳнат бозорига. Хитой билан биргаликда иш бошлаган корхонамиз асосан мебель, диван-кресло, стол-стул ва ётоқхона жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ишлаб чиқариш ўринлари чет эл технологияси билан тўла жиҳозланган. Корхонамиз «Отчопар» бозори йўлидаги ўрмон хўжалиги яқинида жойлашган. Ишлашни хоҳлаганлар учун эшикларимиз ҳамиша очиқ.

Шу куни меҳнат ярмаркасига «Алгоритм», «Реле ва Автоматика», «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти каби йирик корхоналар, 2-матбаачилар ҳунар-техника билим юрти каби билим юртлари ҳамда 4- ва 7-таъмирлаш-қурилиш бошқармалари каби қурилиш ташкилотлари фаол иштирок этишди.

Меҳнат ярмаркасининг якунига кўра, туман бандлик хизмати бўлими бошлиғи ёрдамчиси Мамлакат Жалиловани саволга тутдик.

— Меҳнат ярмаркасига таклиф этилган корхона, ташкилот ва муассасалардан 133 таси иштирок этди, — дейди М. Жалилова. — Жами 4691 та фуқаро қатнашиб, булардан 2500 таси мактаб ўқувчиларини ташкил этади. 1857 та фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди (258 нафари компьютер орқали), 334 нафар фуқаро ишга йўлланма олди (68 нафари компьютер орқали). Асосан фуқаролар саноат ва қурилиш соҳалари бўйича ишга қабул қилинадилар.

Зоир ТУРСУНОВ.

*Қиш тайёргарликни ёқтиради*

# ТАРАДДУД ПУХТА БЎЛСА

## уйлар яхши исийди, чакка ўтмайди

***Мана ҳаво ҳам анча совиб қолди. Шу сабабли бугунги кунда ҳар бир хонадон эгаси қишнинг аёзли кунларида уйларимиз иссиқ бўладими, деб ташвишланиши табиий. Шундай экан, ана шу уйларни иссиқ билан таъминлашга мутасадди ташкилотлар бу йил қишга қандай тайёргарлик билан келяпти? Уйларнинг ертўлаларидаги аҳвол қанақа? Куз ва қишнинг ёмғирли ва қорли кунларида томлардан чакка ўтмайдими? Биз мана шу ва бошқа саволлар билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг коммунал-фойдаланиш ҳудудий бирлашмаси қарамоғидаги муҳандислик иншоотлари ва уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Воҳиджон КАРИМЖОНОВга мурожаат қилдик.***

— Бугунги кунга келиб бошқармамизга қарашли 9 минг 722 та турар жой бинолари бор. Шулардан 7 минг 623 таси иссиқлик марказларига уланган. Айни пайтда бу уйларнинг иссиқлик келадиган туғунларида иссиқ сув бор.

Бутун ёз давомида юқоридаги уйларнинг 171 тасида бирлашмамиз кучи билан тўла таъмирлаш ишларини тугатдик. Ҳозир қолган 17 та уйда таъмир ишлари кетмоқда.

**— Кечирасиз, 17 та уй таъмирланаяпти дедингиз. Бундан хонадон эгалари уй таъмирдан чиққунча совуқда ўтиришади, деган маъно чиқмайдими?**

— Йўқ. Нимага деганда битта уй бир неча йўлаклардан иборат бўлса, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таъмирдан чиқаряпмиз. Шунинг учун уйнинг бир йўлаги таъмирланаётганда қолган хонадонларга тўла иссиқлик берилаверади.

**— Қишки тайёргарлик даврида туман ҳокимлари, корхона ва ташкилотлар қандай ёрдам кўрсатишди?**

— Туман ҳокимликлари ёрдамида ҳозирги кунгача 18 та турар жой биноси тўла таъмирланди. Қолган 30 тадан ортиқ уйларнинг тўлиқ таъмирланиши давом этмоқда. Ундан кейин шаҳарда жойлашган яна 36 та уй турли вазирликлар кўмагида қайта таъмирдан чиқарилмоқда.

Бундан ташқари туманлардаги ҳар бир уйга ҳокимликлардаги мутасадди раҳбарлар бириктирилган. Улар кузги-қишки иситиш мавсумида уйларнинг ҳолатини тўла назоратга олиши керак. Бу борада Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Юнусобод ва бошқа туманларнинг ҳокимликлари кўп ишларни амалга оширишмоқда.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу йилги қишга тайёргарлик пайтида туман ҳокимликлари иштирокида шаҳардаги таъмирланиши лозим бўлган уйларни текшириб чиқдик. Таъмирланишга муҳтож турар жой биноларига имконият даражасида материаллар ажратилди.

Корхона ва ташкилотларга ҳам пойтахтдаги барча турар жой бинолари бўлиб берилган. Улар ўзларига бириктирилган уйларни керак бўлган хом ашё билан таъминлайдилар. Керак бўлса маблағ билан ёрдам берадилар. Масалан, Шайхонтоҳур туманидаги Бешёғоч мавзесида жойлашган хонадонларга 6-пиво корхонаси, Метрополитен бошқармаси, «Шаҳристон» фирмаси ва бошқалар кузги-қишки мавсумда ана шундай ёрдамларни кўрсатадилар. Хуллас, бу йил кузги-қишки мавсумга тайёрланиш ҳамда уни кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳамма сафарбар қилинган.

**— Кўпинча қиш, ҳатто ёз пайтларида ҳам шаҳримиздаги уйларнинг ертўлаларини сув босиб ётганининг гувоҳи бўламиз. Бу йил шундай ҳоллар рўй бердими?**

— Ертўлаларнинг сувга тўлиб кетиши баъзи ҳолларда хонадон эгаларининг айби билан юз беради. Чунки баъзи бир хонадонда яшовчилар канализация тармоқларига ҳар хил чиқиндилар ташлашади. Натижада бу чиқиндилар қувурларга тиқилиб қолиб ертўлаларни тўлдириб юборади. Мавриди келганда шуни ҳам айтиш керакки, чилангарларимиз баъзи пайтларда канализацияга тиқилиб қолган метрлаб ҳар хил материалларни суғуриб олишган. Бундай авария ҳолати айниқса қовун-тарвуз пишиғида кўп бўлади. Нимага деганда авария ҳолатидаги буюртмаларнинг кўпчилиги худди ўша мавсумга тўғри келади. Шунинг учун ҳамшаҳарларимиздан дуч келган нарсаларни канализация қувурига ташлайвермаслигини илтимос қилардик.

Лекин бу билан бизда ҳеч қанақа айб йўқ, демоқчи эмасман. Ертўлаларнинг сув босиши кўпинча бизнинг ишчилар айби билан ҳам юз беради. Масалан, шу бир-икки ойнинг ўзида 45 уйдаги чўктирилган ертўлалардан мавжуд сувни механизмлар ёрдамида тортиб олдик.

**— Уйларнинг йўлакларини таъмирлаш ҳамда уларни тартибга келтириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Илгарилари бунга эрта тайёрланардик. Бу йил бу ишни сал кеч бошладик. Бунга сабаб, агарда ёз пайтида йўлакларнинг синган ойналари ҳамда эшикларини таъмирлаб кетсангиз, қишгача уларнинг бир нечтаси яна яроқсиз ҳолга келган бўлади. Бир сўз билан айтганда, бир ишга икки марта қўл урилади.

Ҳозирги кунда бошқармамиздан 500 та эшик, 2500 квадрат метр ойна керакли жойларга жўнатилган. Эшиклар уйларга ўрнатилмоқда, ойналар солинмоқда. Ундан кейин баъзи бир яроқсиз эшик ва ромларни алмаштирмасдан эскисини таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бунга етарли ёғоч ва бошқа хом ашё материаллари ажратилган.

**— Қишки мавсумга тайёрланиш даврида уйларнинг томларига ҳам аҳамият берилса айни муддао бўлади. Шундай экан, бу борада қандай ишлар бажарилмоқда?**

— Бу иш йил мобайнида олиб борилади. Масалан, маълумотларга қараганда пойтахтда 329 минг квадрат метрдан ортиқ уйларнинг томлари таъмирланган. Ҳозирги кунда бу ишлар давом эттирилмоқда. Бунинг учун материаллар етарли. Ҳамма туманларда томларни таъмирлашда жуда зарур бўлган қора сақич заҳиралари мавжуд.

**— Қишга тайёргарлик пайтида муаммоларга ҳам дуч келиндими?**

— Бу йил ўтган йилги тайёргарлик мавсумига қараганда муаммолар кам бўлди. Чунки қишга тайёрланиш учун қувур ва бошқа хом ашё маҳсулотларини йил бошидан ола бошладик. Илгарилари бунинг акси эди. Яъни баҳор, ёз пайтларида материаллар кам миқдорда келар эди-да, ишчиларимиз кўпинча ишсиз ўтирарди. Кузга келиб ҳамма хом ашё материаллари берилгандан кейин эса ҳайбаракаллачилик бошланиб кетарди. Бунинг натижасида уйлар кўнгилдагидек таъмирланмасди. Хуллас биз кузги-қишки мавсумда ҳамшаҳарларимизнинг уйларини етарли иссиқлик билан таъминлаш тадориги йўлида анча саъй-ҳаракатлар қиляпмиз. Ўйлайманки бу борадаги бажараётган ишларимиз ўз самарасини беради.

Ғайрат ЮНУСОВ.

